

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 20 октябрь • №39 (1423)

ДАВЛАТ ТИЛИ БИРЛИГИМИЗ, БОРЛИГИМИЗ РАМЗИДИР

МИЛЛАТ РУҲИ

Дунё халқлари ва миллатларининг маданий ўзаги ва асосий мулоқот манбаи бу уларнинг миллий тили ҳисобланади. Шундай экан, ҳар бир тилнинг сақланиши ҳамда ёши авлодга етказилиши, халқ тараққиёти ва унинг келажagini белгилайди. Биргина тил кўплаб халқларни ўзаро бирлаштиради, тарбиялайди, ўқитади, урф-одат, анъана ва маданиятларини сақлайди, уни авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди.

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун халқимизнинг мустақиллик учун қўйилган дастлабки қадами бўлди. Ушбу Қонуннинг 1-моддаси ва Бош Қомусимизнинг 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тили” эканлиги ва Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлашни ҳам белгилаб қўйилган.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиш йўлидаги муҳим силжишлардан бири бўлиб, она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди. Шунингдек, давлат ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини таъминлабгина қолмай Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилувчи ва мамлакатимизга хориждан келадиган миллат ва элатларнинг тилларини ҳурмат қилинишини таъ-



минлади. 2020 йил Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши қувонарли ҳол бўлди.

Ушбу қонун билан ҳар йили 21 октябрь – “Ўзбек тили байрами кунини” этиб нишонлаш белгиланди. Эндиликда ҳар йили 21 октябрь бутун мамлакатимиз

бўйлаб катта байрам сифатида нишонланади. Бу эса она тилимизни қай даражада ардоқлашимизни ва ҳурмат қилишимизни билдиради.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

КАРДИОЛОГИЯ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА



Таъкидлаш муҳимки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ушбу соҳани ривожлантириши, уни тубдан ислоҳ қилишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Бу борада бирламчи тиббиёт хизмати, шошилинч ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган тиббий хизмат, хусусий тиббиёт, аҳолининг репродуктив соломатлигини асраш каби йўналишлар устувор вазифа қилиб белгиланди. Бугунги кунда кардиология соҳасини жаҳон андозаларига мос равишда юксалтиришга, юрак-қон томир хасталикларини тўғри йўл билан олишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар ижроси энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказимизнинг (РИ-КИАТМ) 241 ўринга мўлжалланган шифохонасида 12 та махсус кардиологик бўлим мавжуд бўлиб, ушбу бўлимларда коронароангиография-юрак тожсимон артерияларининг торайган қисmlларини

аниқлаш, уларга стент (найча) ўрнатиш, юракнинг мураккаб аритмияларида электрофизиологик текшириш ва радиочастотали абляция, очик усулдаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари каби юқори технологик усуллар, артериал гипертензия, ўткир миокард инфаркти, юрак-ишемик касаллиги, юрак аритмиялари, юрак етишмов-

чилиги каби хасталиклар самарали даволанапти. Шунингдек, мазкур марказда кунига 250 қатновга мўлжалланган замонавий маслаҳат-ташхис поликлиникаси ҳам фаолият юритади. Бу ерда беморларга малакали шифокорлар, олий тоифали кардиологлар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Маслаҳат-ташхис поликлиникасида ЭКГни



сутка давомида ёзиб олиш, ЭХО кардиография, Велоэргометрия ва СМАД каби замонавий текшириш усулларидан ва биокимёвий таҳлиллардан фойдаланилиб, чуқур тиббий текширувлар ўтказилади. Марказда умумий ходимлар сони 635 нафар бўлиб, шифокорлар – 115 нафар, илмий ходимлар 26 нафар, ўрта тиббиёт ходимлари

195 нафар, клиник ординаторлар 70 нафар, докторантлар 14 нафар, бошқа ишчилар 215 нафарни ташкил этади. Шулардан 1 нафари академик, 5 нафари профессорлар, 18 нафари тиббиёт фанлари докторлари, 30 нафари эса тиббиёт фанлари номзодларидир.

► (Давоми 4-бетда)

МУНОСАБАТ: СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

СПОРТ – САЛОМАТЛИК УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛСИН!

Сўнги пайтларда юртимиз шифохоналарига инфаркт, инсульт, томирларда тромблар ҳосил бўлиши каби хавфли хасталиклар билан мурожаат қилаётган ёки оғир аҳволда олиб келинаётган фуқаролар орасида ёш, жисмонан бақувват, тоғни урса талқон қиладиган қадди-қоматга эга беморлар ҳам учраётгани жуда ачинарлидир.



Хўш, бу қандай омиллар билан боғлиқ?

Ўрганишлар давомиди аниқланишича, ушбу беморлар тана мушаклари массаси

ва қувватини ошириш мақсадида бодибилдинг, культуризм, фитнес каби спорт турлари билан шуғулланиш давомида кукун, таблетка ва инъ-

екция шаклидаги турли биологик фаол, хусусан, протеинли қўшимчалардан мунтазам фойдаланиб келган. Ҳатто улар орасида ҳафтасига бирикки мартаба турли кўринишдаги препаратларни тизимли равишда қўллаганлар ҳам учраб туради. Оқибатда қондаги гемоглобин, эритроцит, тромбоцитлар миқдори ўзгариб, қон қуюқлашиши юзага келган. Сўнгра томирларда тромблар ҳосил бўлиши ҳисобига юқоридаги сингари хавфли асоратлар пайдо бўлган.

Тахлилларга кўра, фойдаланилаётган бу сингари стероид препаратлар ва анаболик комплексларнинг аксарияти тегишли давлат рўйхатидан ўтмаган ва тиббиёт ходимлари назоратсиз қабул қилинган...

Бехзод МУСАЕВ,

Соғлиқни сақлаш вазири:

– Ёшларимиз спорт билан шуғулланаётгани, албатта, қувонарли ҳолат. Аммо уни соғлиқ учун зиён етказадиган машғулотга айлантириб қўймаслигимиз керак. Афсуски, бугун айрим ёшларимиз билак ва мушакларим янаям бақувват, қоматим келишган бўлсин, деб, мутахассислар билан маслаҳатлашмай, паллартиши, назоратсиз турли зарарли воситалар, оқсил ва гормонларни қабул қиладигани жуда ачинарли. Бу соғлом турмуш тарзига мутлақо тўғри келмайди. Шундай экан, ёшлар, ота-оналар ва жамият фаоллари, соғлом турмуш тарғиботчилари, тиббиёт ходимларини бу борада янада хушёр ва эътиборли бўлишига чақирамиз.

Бақувват билак ва мушаклар, чиройли қомат учун

соғлом ва ўқтам йигитларимизнинг ўз ҳаётини хавф остида қолдиришига ҳеч биримиз бепарқ бўлмаслигимиз шарт. Ўз навбатида, соғлиқни сақлаш тизими вакиллари, айниқса, тиббиётнинг бирламчи бўлини ходимлари, оилавий шифокор ва ҳамшираларнинг тарғибот ва профилактика дастурларидан ана шу масалалар янада қатъий ўрин олиши чораларини кўрамиз.

Қолаверса, тегишли давлат рўйхатидан ўтмай реализация қилинаётган юқоридаги сингари препаратлар савдоси тегишли давлат органлари томонидан қатъий назорат остида олиниши ва даволаш стандартида кўзда тутилмаган дори-дармонларнинг ишлатилишига чек қўйиш зарур, деб ҳисоблайман.

www.ssv.uz

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 9-16 сентябрь кунлари Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва уларни ихтисослаштириш маркази ҳамда ҳудудий филиаллари раҳбарларидан иборат 7 нафар делегация аъзолари Япония давлатида малака ошириш учун хизмат сафарида бўлиб қайтдилар.

Делегацияни Япониядаги АОИКАИ корпорацияси ва Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси вакиллари кутиб олишди.

Делегация аъзолари АОИКАИ тиббиёт корпорациясига қарашли бош офисга ташриф буюришди. У ерда Корпорация Вице президенти “Япония соғлиқни сақлаш тизими ва Корпорация ҳақида” маъруза қилди. Сўнгра Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва уларни ихтисослаштириш маркази директори Лола Мусаджанова “Ўзбекистонда ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими” бўйича тақдимот қилди. Делегация иштирокчилари сафар давомида АОИКАИ корпорациясига қарашли IRYOSOSEI университетида ҳам бўлишиб, ушбу таълим масканидаги 4 йиллик халқаро ҳамширалар факультети фаолияти, дарслардаги назарий ҳамда амалиёт жараёнлари, ўқув дастурлари, шунингдек, хоналарнинг жиҳозланишини кўздан кечирдилар. Бунинг баробарида улар корпорацияга қарашли "Kashiva Tanaka Hoshital" клиникасида ҳам бўлиб, муассасанинг лаборатория, офтальмология, ЭКГ, МРТ ва бошқа диагностика хоналари фаолияти билан танишдилар. Шу билан бирга, у ерда фаолият юритаётган ҳамширалар иш жараёни ва беморлар парварошини ҳамда дарс жараёнларини ҳам кузатишди. Дарсни IRYOSOSEI университети

проректори Soto Hogima олиб борди ва Япониядаги ҳамширалар фаолияти бўйича маъруза қилди. IRYOSOSEI университети халқаро ҳамширалар факультети декани Кавагуча Такаеши ҳам ўз фикрларини билдириб ўтди. Университетда Марказ директори Лола Мусаджанова “Ўзбекистонда ҳамшираларни ўқитиш тизими”, IRYOSOSEI университети қошидаги ҳамширалар коллежи директори Огасавара Юки “Японияда ҳамшираларни ўқитиш” мавзуларида маъруза қилдилар. Шунингдек, иштирокчилар АОИКАИ тиббиёт корпорациясига қарашли қариялар реабилитацияси клиникасида бўлиб, у ерда парварошланаётган қарияларга яратилган шароит ва фаолиятлар билан танишдилар. Икки ташкилот ўртасида куйидаги йўналишларда ҳамкорлик қилишга келишилди. Аввало, ушбу корпорация ҳамда марказ ва унинг филиаллари ўртасида меморандум имзоланган, малака ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларини Япония давлатидаги дастурлар билан интеграция қилиш, ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда Япония таълим муассасалари билан академик алмашинувини ташкил қилиш, Япониянинг АОИКАИ тиббиёт корпорацияси профессор-ўқитувчиларининг ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда



онлайн ёки офлайн тарзда лекция ва семинарларини ташкиллаштиришди. Марказ ва унинг филиалларида ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган Японияда фаолият юритаётган корпорация ўқув марказини ташкил этиш, марказ ва уларнинг филиалларида Япония тажрибасидан келиб чиқиб роботлаштирилган симуляцион марказлар ташкил қилишда корпорация кўмагидан фойдаланиш, геронтология борасида ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини такомиллаштиришда Япония тажрибасини ўрганиш билан бирга геронтология бўйича ҳамшираларни тайёрлаш ўқув дастурларини ўрганиш ва Япония тажрибасини Ўзбекистонда қўллашдан иборатдир.

Делегация иштирокчиларига хизмат сафари якунида сертификатлар топширилди.

Япониянинг АОИКАИ тиббиёт корпорацияси компанияси президенти Такаеши Шинтани жорий йилнинг 30 сентябридан 5 октябргача Ўзбекистонга ташриф буюрди. У ташриф режасига асосан 2022 йилнинг 3 октябрида Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва уларни ихтисослаштириш марказининг Фарғона филиалида бўлди



ҳамда филиалдаги ўқув жараёнлари билан агрофлича ўрганиб чиқди. У Фарғона филиалида Япониянинг АОИКАИ тиббиёт корпорацияси компанияси билан ҳамкорликда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил қилиш таклифини киритди. Шунингдек, Такаеши Шинтани 4 октябрь куни Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва уларни ихтисослаштириш марказида бўлди. Корпорация президенти “Япония соғлиқни сақлаш тизими ва корпорация ҳақида” маъруза қилди. Шу билан бирга марказдаги фаолиятлар билан яқинда танишиб чиқди ва ўзининг эътирофли фикрларини билдирди. Худди шу куни АОИКАИ тиббиёт корпорацияси

ва Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари ва уларни ихтисослаштириш маркази ва унинг филиаллари ўртасида меморандум имзоланди. Корпорация президенти жорий йилнинг 5 октябрь куни марказнинг Самарқанд филиалига ташриф буюриб, ўқув жараёнларини кузатди ва корпорация компанияси билан ҳамкорликда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган ўқув марказини ташкил қилиш таклифини киритди.

Албатта, бундай эзгу мақсадларга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятлар ўз самарасини беришга ишончимиз комил.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

АНТИБИОТИКЛАР ВИРУСЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАМАЙДИ, АКСИНЧА...

МУЛОҲАЗА

Дардга чалинганимизда, тезроқ соғайиб, оёққа туришни хоҳлаймиз. Оғриқлардан ҳам қанча эрта халос бўлсак, шунча яхши. Аммо бунинг энг тўғри ечими – антибиотиклар эмас! Айниқса, ўзбошимчалик билан бундай препаратларни қўллаб соғаймоқчи бўлганлар қаттиқ янгилашади!

Хўш, антибактериал препаратларнинг қандай ноғўя таъсирлари бор? Улардан фойдаланишда нималарга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим?

Антибиотикларни нотўғри қўллаш оқибатида дунёда йилга 700 минг киши ҳаётдан кўз юмиши қайд этилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, агар антибактериал воситалардан фойдаланиш тартибга солинмаса, 2050 йилга бориб йилга 10 миллионга яқин одам вафот этиши мумкин.

Шу боис, бундай препаратларни фақат шифокор кўрсатмасига биноан қўллаш шарт. Қолаверса, врач қабулига келиб, “Тезроқ тузалсам бўлгани, менга антибиотик ёзиб беринг” деб илтимос қилган беморларни кўрганмиз.

Бу ҳам нотўғри қарор. Чунки, сиз талаб қилганингиз учун айрим шифокорлар махсус кўрсатмаларсиз микробларга қарши воситаларни ҳам буюриши эҳтимоли йўқ эмас.

Қолаверса, куз-киш мавсумида ўткир респиратор вирусли касалликлар кўпайиши кузатилади. Бундай вазиятда айрим ота-оналар ўзи, яқинлари, айниқса, фарзандлари бетоб бўлиб қолса, иситмаси чикса, дарров антибиотиклар билан даволашга уринади.

Биринчидан, бундай дорилар вирус эмас, бактерияларга қарши қўлланилишини унутмаслик лозим. Шу билан бирга, бу жуда оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Масалан, ичак дисбактериозини

келтириб чиқаради. Базилиари эса жигарга жиддий зиён етказилади. Бундан ташқари, ушбу воситаларни ноўрин қўллаш оқибатида анафилактик шок, яъни инсон ҳаётига хавф солувчи аллергия реакция юзага келиши хавфи



бор. Шу сабабли ота-оналарга шифокор тавсиясиз фарзандларига антибиотик бермасликни доимо уқтириб келамиз. Шунингдек, дорихонага кириб, бирор препаратни харид қилаётганингизда, фармацевт томонидан унинг муқобили сифатида бошқа дори тавсия қилинса, албатта, шифокор билан маслаҳатлашишингиз зарур. Ёки белгиланган дозага қатъий амал қилиш учун мутахассисдан таркиби ва фаол моддаси бўйича маълумотларни аниқлаштиришингиз талаб этилади. Агар, хасталигингиз антибиотикларни талаб этса, даволаш самарали бўлиши учун, аввало, бундай дориларга сезувчанликни аниқлаш мақсадида бактериал синама топшириш керак. Ушбу таҳлил натижалари шифокорга зарур препаратни танлашга ёрдам беради.

Белгиланган дозанинг тўғри

қабул қилинишига ҳам ҳар доим эътиборли бўлиш шарт! Чунки унинг меъёрдан кўпи саломатликка зиён етказса, кам дозаси патоген бактерияларга таъсир қилмаслиги мумкин. Сўнгги йилларда микроорганизмлар



нинг антибиотикларга чидамлиги ошиши кузатилмоқда. Бундай вазиятда уларнинг даволовчи таъсири бир неча баробар пасайиб кетади ёки бактерияга қарши ҳеч қандай самара бермай кўяди. Оқибатда муолажага “чап

берадиган” инфекциялар туфайли бемор нобуд бўлиши мумкин. Замонавий тиббиёт, аввало, имкон қадар антибиотиклардан фойдаланмаслик тарафдори. Энг зарур ҳолларда эса препаратни қўллашда белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш шарт.

Хўш, улар нимадан иборат?

Препаратнинг қондаги концентрациясини бир меъёрда ушлаб, антибиотикни аниқ вақтда қабул қилиш керак. Мисол учун, агар дорини кунига бир марта ичиш буюрилган бўлса, кейинги дозани 24 соат ўтгач, қабул қилиш зарур. Агар кунига 2 маҳал бўлса, у ҳар 12 соатдан кейин ичилади.

Антибиотикдан фойдалан-

гач, бемор аҳволи яхшиланса, муолажани тўхтатиб қўймаслик керак. Чунки бу ҳолат соғайганликни билдирмайди. Эҳтимол инфекция заифлашган, аммо бутунлай йўқолмаган бўлиши мумкин.

Таблетка шаклидаги препаратлар сув билан ичилади. Бу жараёнда сут ва сут маҳсулотлари, чой, қахва, шарбатлардан фойдаланиш тақиқланади. Инфекциянинг танадан тезда чиқиб кетиши учун эса кўп миқдорда сув ичиш лозим.

Агар антибиотик қабул қилинган, тўрт кун ичида бемор аҳволи яхшиланмаса, шифокор билан маслаҳатлашиш зарур. Бу ҳолатда мутахассис дозани ўзгартириши ёки бошқа дори препаратини буюриши мумкин. Беморлар авваллари қандай дори воситаларидан қанча дозада ва қандай касалликларни даволашда фойдаланганини, агар ноғўя таъсирлар кузатилган бўлса, бу бўйича қайдларни ёзиб боришлари мақсадга мувофиқ. Яроқлилик муддати ўтган дориларни асло қўллаб бўлмайди.

Шу ўринда юртдошларимизга препаратларнинг ноғўя таъсирлари кузатилса, Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат марказининг (71) 203-01-01/41-44 телефон рақамига мурожаат қилишлари ёки тегишли хабарнома картаси шаклини тўлдиритишлари лозимлигини эслатиб ўтамиз.

Эльвира СВЕЧНИКОВА,
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази бўлим бошлиғи.

ЯҚИН КЕЛАЖАКДА ЮРАК ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Тиббиётда халқаро ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Айниқса, хирургия йўналишида тиббий хизмат сифатини ошириш, замонавий ва илғор даволаш усулларини амалиётда кенг қўллашда бу жиҳат муҳим роль ўйнайди. Шу маънода академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази дунёнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

– Бугунги кунда хорижлик мохир хирурглар билан биргаликда марказимизда кўплаб мураккаб операциялар ўтказилмоқда, – дейди муассаса директори Саидмурод Исмаилов. – Жумладан, жорий йил Швейцариянинг Цюрих университети Торакал жарроҳлик шифохонаси мутахассислари иштирокида ўпка ва кўкрак оралиғи жарроҳлиги

бўлимида 3 та юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Қолаверса, Н. Пирогов номидаги Санкт-Петербург давлат университетининг етакчи кардиожарроҳи Максим Стояров томонидан маҳаллий жарроҳларимиз учун юрак ишемик касаллиги ва унинг асоратлари, инфарктдан кейинги чап қоринча аневризмаси, паст қискарувчанлик хусусиятига эга чап

коринча билан асоратланган беморларни хирургик усулда даволаш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича марказимизнинг 20 нафар мутахассислари хорижнинг етакчи илмий марказларида тажриба орттириб қайтди. Шу билан бирга, жорий йил чет элдаги нуфузли илмий марказлар, жумладан, Ҳиндистоннинг Apollo, Artemis, Aakash Healthcare ҳамда Manipal клиникалари ва Туркиянинг Acibadem касалхоналари билан ўзаро меморандумлар имзоланди.

Бугунги кунда марказ негизда 3 нафар чет эллик мохир жарроҳлар фаолият юритмоқда. Улардан бири кардиохирургия, икки нафари эса жигар транс-

плантацияси бўйича мутахассислардир. Президентимизнинг 2021 йил 4 октябрдаги “Хирургия хизматини трансформация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан РИХИАТМ негизда малакали хирург мутахассисларни тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда ўхшаши бўлмаган симуляцион марказ ташкил этиш ва унда ҳудудий филиаллар мутахассисларини ўқитиш режалаштирилган. Яна бир муҳим янгиллик, Хирургия марказида яқин келажақда юртимизда илк бор юрак трансплантацияси амалиётини ўтказиш мақсад қилинган.



Энг муҳими, тиббиётимиздаги бундай ижобий ўзгаришлар, аввало, халқимиз саломатлигини сақлаш, аҳолига ихтисослаштирилган сифатли тиббий хизмат кўрсатишга хизмат қилади.

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

КАРДИОЛОГИЯ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

Охириги 5 йилликда тиббиёт муассасалари жаҳон андозаларига жавоб берадиган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, юқори технологик даволаш ва диагностика усуллари амалиётга кенг жорий этилди. Марказимизда ташкил этилган рентгенэндоваскуляр жаррохлик (РЭХ) бўлимида коронароангиография ва стентлаш каби юқори технологик усуллар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Кардиология марказида йилига мингдан ортиқ беморда ушбу даволаш амалиёти қўлланилапти. Бундай усул билан даволаш орқали юрак қон томир касалликларининг энг оғир тури бўлмиш миокард инфаркти олди олинди. Кейинги 10 йил ичида миокарднинг ўткир инфарктдан содир бўлаётган госпитал ўлим ҳолатлари 9-10 фоизгача пасайишига эришилди. Шунингдек, эндоваскуляр усул орқали юрак туғма нуқсонларини даволаш, аорта клапанларини алмашти-

маълум турдаги аритмияларда амалга оширилган бўлса, эндиликда юракнинг барча турдаги аритмиялари муваффақиятли даволанмоқда. Бу йил республикада биринчи бўлиб, ўта мураккаб операция, юрак етишмовчилигининг оғир турида уч камерали мослама ёрдамида ресинхронизирловчи терапия (СРТ) операцияси муваффақиятли йўлга қўйилди. Кардиожаррохлик бўлимида очик усулдаги мураккаб операциялар амалга оширилади. Юрак ишемик касаллигининг оғир турларида аорта коронар шунтлаш (АКШ), юрак порокларини жаррохлик усули билан тиклаш, юрак клапанларини протезлаш каби мураккаб операциялар амалга оширилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Кардиология марказида амалга ошириладиган юқори технологик даволаш усуллари сони, сифати ва қўламлиги йилдан йилга ортиб борапти. Булар сирасига юрак клапанларини эндоваску-

операциялар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Марказимизда хорижий кардиологик клиникалар билан ҳамкорлик алоқалари кенг йўлга қўйилган. Марказимиз ёш шифокорлари Россия, Жанубий Корея, Швейцария, Польша каби хорижий давлатлар етакчи кардиологик клиникаларида ўз тажрибаларини бойитиб келдилар. Жумладан, Алмазов номли Санкт-Петербург кардиология маркази билан тузилган шартномага асосан марказимизнинг бир гуруҳ иқтидорли мутахассислари юрак қон томир касалликларини замонавий, юқоритехнологик усулда даволаш бўйича малякаларини ошириб кайтидилар. Шунингдек, Москва, Новосибирск, Томск кардиология марказларининг олимлари, Польша, Швейцария, Жанубий Кореялик мутахассислар бизнинг марказга келиб, ўзаро тажриба алмашдилар, маҳорат дарсларини ўтказдилар. Жумладан, Европа юрак фонди раиси, Швейцария-



жий мамлакатларда хизмат қилаётган маҳаллий кадрларни ватанга қайтариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга ошириляпти. Ҳозирги кунда Бакулев номидаги Россия юрак қон-томир хирургияси марказидан тиббиёт фанлари докторлари Б. Амиркулов, А. Меликулов, М. Арипов, У. Атажанов, У. Хайруллаев каби бир нечта ёш маҳаллий

шира хизматини ривожлантириш, юрак қон-томир касалликларини даволашда замонавий диагностика ва даволаш стандартларига амал қилиш, маҳаллий дори воситаларидан кенг фойдаланиш каби масалаларда лекция ва семинарлар ташкил этмоқдалар. Марказимизда юрак қон-томир касалликларини даволаш ва ди-



риш каби замонавий усуллар амалга оширилмоқда. Охириги йилларда бундай юқори технологик даволаш усуллари вилоятларда ҳам йўлга қўйила бошлади. РИКИАТМнинг деярли барча вилоят филиалларида Ангиограф ускунаси ўрнатилиб, коронарография ва стентлаш амалиётлари муваффақиятли амалга ошириляпти. Шунингдек, РИКИАТМнинг Наманган ва Урганч, Қарши, Самарқанд, Жиззах филиалларида нафақат коронарография ва стентлаш, балки юракнинг очик турдаги операциялари ҳам бажарилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказида юракнинг мураккаб аритмияларини электрофизиологик усулда диагностика ва даволаш (ЭФИ) бўлимида радиочастотали абляция усули – юрак аритмияларини даволашда қўлланиладиган халқаро стандартларга мос келувчи юқори технологик усул йўлга қўйилган. Операциялар кўкрак қафасини очмасдан, яъни «қонсиз» йўл билан олиб борилади, яъни махсус мосламалар ёрдамида юракка етиб бориб, унинг нотекис уриши (аритмия) баъзи турларини радиотўлқинлар воситасида бартараф этилади. Илгари операциялар

лар усулда протезлаш, юрак қоринча ва бўлмачалари тўсиғидаги туғма нуқсон – тешиқларни кўкрак қафасини очмасдан, периферик томирлар орқали кириб, окклюдер ёрдамида беркиштиш, АКШ операциясини ишлаб турган юракда амалга ошириш ва бир нечта шунт қўйиш, бир вақтнинг ўзида юракда 2 ва ундан ортиқ ўта мураккаб операцияларни ўтказиш, яъни АКШ + юрак клапанларини протезлаш + юрак мушаклари деворини пластика қилиш + юрак қоринча ва бўлмачалари ичидан ивиб қолган тромбни олиб ташлаш, бўлмачалар хиллиллашида РЧА, мураккаб юрак етишмовчилигида, дилатацион кардиомиопатияда ресинхронизирловчи терапияни амалга ошириш (СРТД) каби ўта мураккаб операциялар қиради. Ҳозирги кунда кардиожаррохлик операцияларини кам инвазив усулда, яъни тўш суягини кесмасдан, кобирғалар орасидан кичик кесма орқали юракка етиб бориб мураккаб операцияларни ўтказиш йўлга қўйилди. Бу ўз навбатида беморларда операциядан кейинги бўладиган реабилитация жараёнининг асоратларсиз ўтишида, беморнинг умумий ҳолати тез яхшиланишида катта омил бўлмоқда.

Марказда йилига 300дан ортиқ беморда бундай мураккаб

лик машҳур кардиожаррох, профессор Пауль Фогт марказимизга бир неча бор ташриф буюриб, бизнинг кардиожаррохларимиз билан бирга ўта мураккаб операцияларни амалга оширди. Беморда бир вақтнинг ўзида Аорта коронар шунтлаш (АКШ) ва юрак клапанларини протезлаш, АКШ ва бўйин томирлари атеросклерозини бартараф этиш каби операциялар шулар жумласидандир. Шуни таъкидлаш керакки, бундай операциялар сунъий юрак аппарати ёрдамида ва ишлаб турган юракда амалга ошириляпти. Бундай мураккаб операциялар дунёнинг санокли давлатларида амалга оширилади. Ўтказилган бундай операциялар ёрдамида беморларда ўткир миокард инфаркти ва бошмиа инсульти каби оғир асоратлар олди олинди ва беморлар фаол ҳаётга қайтарилди.

Кардиология марказида малякали кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилади. Марказда ташкил этилган клиник ординатура курсларида ҳар йили 25 нафардан ортиқ кардиолог мутахассис тайёрланади. Охириги ўн йилликда марказда 300 нафардан ортиқ кардиолог тайёрланиб, ҳозирда булар мамлакатимизнинг турли даволаш муассасаларида хизмат қилишмоқда. Кардиология марказида хори-

мутахассислар Ўзбекистонга таклиф қилинди ва Республика кардиология марказида фаолиятини давом эттирмоқда. Кардиология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, замонавий, юқори технологик даволаш ва диагностика усулларини Республика-миз худудларига татбиқ этиш мақсадида марказнинг етакчи олимлари томонидан маҳорат дарсларини ўтиш амалга оширилади бошланди. Ҳозирги кунда юрак қон томир касалликларини олдини олишда, аҳоли ўртасида ушбу касалликлар билан касалланиш даражасини пасайтиришда, юрак қон-томир касалликларидан содир бўладиган нохуш ҳолатларни олдини олишда профилактик тадбирларнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Бу борада марказимизда касалликларни эрта аниқлаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини татбиқ этишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, марказ ходимлари вилоят ва туманларда йил давомида ўтказилган маҳорат дарсларида вилоят, туман тиббиёт бирлашмаларида, оилавий поликлиникалар, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва врачлик пунктларида бўлиб, касалликни эрта аниқлаш, патронаж ҳам-

агностика қилишда мукаммал тизим яратилганлиги, яъни касалликни эрта аниқлаш, диагностика қилиш, касалликнинг турли хил турларини дори воситалари билан даволаш, эндоваскуляр усулда текшириш ва даволаш, керак бўлганда очик усулдаги мураккаб жаррохлик амалиётини бажариш каби усуллар йўлга қўйилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 январдаги «Юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш ва даволаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 103-сонли қарори эълон қилинди. Қарор ижроси бўйича РИКИАТМ ва унинг вилоят филиаллари томонидан чора тадбирлар белгилаб олинди. Мазкур қарор бўйича асосий эътибор тиббиётнинг бирламчи бўлини ва шифокорларнинг билим даражаларини оширишга қаратилган. Шунингдек, оилавий поликлиника шифокорлари, туман кардиологлари ва патронаж хамшираларини қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш кўзда тутилган. Дунёнинг нуфузли тиббиёт марказларида кардиолог

ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСТИҚБОЛ

КАРДИОЛОГИЯ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАГА

ва кардиожаррох мутахассисларининг малакасини ошириш учун Республика бюджетидан пул ажратилиб, 50 дан ортик мутахассислар тажрибаси Германиянинг Шарите клиникаси ва Россиянинг Бакулев номи юрак жаррохлиги марказида оширилади. Қарорда 40 ёшдан ошган аҳолини оилавий поликлиника ва тиббиёт бригадалари орқали йилига камида бир марта манзилли скрининг текширувларидан ўтказиш ҳамда мақсади даволаш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш масалалари алоҳида ўрин тутади. Шу билан бирга вилоят филиаллари ва туманларида “Ўткир коронар синдром, ўткир миокард инфаркти” билан мурожаат қилган беморларга биринчи 12 соатда шошилиш тез тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида туман марказий шифохоналарини тромболитик дори воситаси Стрептокиназа билан таъминлаш, “Ўткир коронар синдром, ўткир миокард инфаркти” билан мурожаат қилган беморларга биринчи 12 соатда кўрсатмага мувофиқ шошилиш коронарография ва бирламчи стентлаш амалиётларини ўтказиш тўғрисида алоҳида банд киритилган. Ушбу меъриёрий ҳужжат бўйича марказнинг Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоят филиалларида реконструкция ишларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилиши, Ангиограф ускунасининг ўрнатилиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида вилоятларда беморларга кўрсатиладиган юқори технологик кардиологик амалиётлар сонини 15 тадан 35 тагача етказиш имконини беради, беморларга кўрсатиладиган кардиологик хизматнинг сифати ошади. Беморларнинг пойтахтга ва хорижий мамлакатларга даво излаб кетишлари сони камайди. Бунинг баробарида республикамизнинг барча туман тиббиёт бирлаш-

малари шифохонасига 4 хил русумдаги (ЭКГ, ЭХОКГ, ХМЭКГ, Дефибриллятор) тиббий жиҳозлар Республика бюджетидан маблағлари ҳисобидан олиб берилди. Қарорда яна бир асосий эътибор Республика кардиология маркази фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бир неча чора тадбирлар келтирилган. Яқин 5 йилликда марказ фаолиятини трансформация қилиш орқали кўп тармоқли марказга айлантириш, ҳозирги кундаги дунёнинг нуфузли марказлари даражасига етказиш, превентив кардиология, нур ёрдамида даволаш ва диагностика қилиш, иммуногенетик тадқиқотлар ўтказиш каби замонавий йўналишлар йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда марказимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5199-сонли қарори бўйича кам таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли учун юқори технологик, жаррохлик амалиётлари бепул ўтказиб берилаяпти. Бунинг учун беморнинг маълумотлари, кам таъминланган оиллага мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлар, тиббий хулосалар электрон йўлланма орқали марказ тиббий танлов комиссиясига юборилади. Комиссия хулосасига кўра бемор рўйхатдан ўтказилиб, навбатга қўйилади. Жаррохлик амалиёти бемор учун мутлақо бепул бўлиб, сарф харажатлар Давлат Тиббий сугурта жамғармаси томонидан қоплаб берилди.
